

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИШ

И. Б. Жумаев

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш
вазирлиги

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инвестиция фаолиятини халқаро молия институтлари маблағидан фойдаланишни такомиллаштириш масалаларининг ўзига хос хусусиятлари бўйича ўрганишлар асосидаги муҳокама қилинган. Муҳокама натижасида, ҳозирги вақтга келиб, халқаро молия институтларига аъзо бўлган мамлакатларнинг ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида тегишли хулоса шакллантирилган.

Калит сўзлар: халқаро молия институтлари, молиялаштириш, инвестиция, хорижий инвестициялар, Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари.

IMPROVEMENT OF INVESTMENT ACTIVITIES FINANCED BY INTERNATIONAL FINANCIAL INSTITUTIONS

I. B. Jumaev

Ministry of Economic Development and Poverty Reduction of the Republic of
Uzbekistan

ABSTRACT

The article examines, on the basis of research, the features of improving the use of funds of international financial institutions in the process of economic transformation. As a result of the discussion, an appropriate conclusion was made about the role and importance of the member countries of international financial institutions in development.

Keywords: international financial institutions, financing, investment, foreign investment, World Bank Group, International Bank for Reconstruction and Development, Asian Development Bank, foreign public financial institutions.

КИРИШ

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг кенгайиши иқтисодий муҳитга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатиши, яъни ишлаб чиқариш салоҳияти ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайишига ҳисса қўшиши керак. Бу иқтисодиётнинг юқори қўшилган қийматга эга даромадли ва инвестиция фаолиятига лойиқ тармоқларни, ўзини-ўзи таъминлайдиган лойиҳаларни, инновацион янги бизнесларни ва бошқаларни молиялаштириш концентрациялашувни тақозо этади.

Ҳозирги кунга келиб, халқаро молия институтлари мамлакатимиз инфратузилмаси, саноати ва иқтисодиётимизнинг реал секторларини молиялаштиришда фаол иштирок этиб келмоқда. халқаро молия институтларининг фаолияти жаҳон хўжалиги алоқаларининг мустаҳкамланиши ва мамлакатларнинг халқаро валюта-кредит алоқаларидаги иштирокида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, халқаро молия институтлари халқаро молия тизими институционал асосини ташкил қилади. Бугунги кунда, юқори даражада молиявий ресурсларга эга халқаро молия институтлари, жаҳон хўжалигидаги мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ривожланиши ва халқаро бизнесни ташкил этиш шароитларига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Макроиқтисодий прогноз дунёда пандемия билан боғлиқ вазиятнинг босқичма-босқич яхшиланиши бўйича тахминларга асосланади. Шу билан бирга, ташқи савдо ҳамкорлар иқтисодиётининг босқичма-босқич тикланиши кутилаётганлиги, ташқи талабнинг 2022 йилнинг иккинчи ярмидан инқирозгача бўлган даражага эришиш учун шароит яратади. Шунингдек, халқаро молия институтлари ривожланаётган мамлактларнинг турли соҳалардаги муаммоларини ечиш мақсадида аъзо-мамлактлар капиталларининг бирлаштиришни ташкил этиш орқали олиб бормоқда.

Шу жумладан: жаҳон иқтисодиётининг мувозанатини тартибга солиш мақсадида халқаро валюта ва фонд бозорларидаги молиявий операциялар; халқаро савдони қўллаб-қувватлаш; тўлов баланси дефицитини камайтириш; давлатларнинг минтақа ва соҳа ривожланиш дастурларини кредитлаш ҳамда кичик бизнесни рағбатлантириш; инфратузилма, ахборот технологиялари, транспорт ва алоқа соҳаларидаги халқаро дастурларни молиялаштириш; табиатни муҳофаза қилиш, фундаментал илмий изланишлар ва соҳаларни

молиялаштириш каби мақсадларнинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқдалар. Демак, ушбу жараёнларни ўрганиш объектлари бўлган Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан иқтисодий ҳамкорлигининг замонавий хусусиятларини аниқлаш, таҳлил қилиш, ўзгаришларга баҳо бериш лозим бўлади.

Халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик доирасидаги муаммоларни ўрганишнинг айрим назарий-концептуал жиҳатларини ишлаб чиқишда хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Бланк, В.Шеремет, П.Вахрин, Г.Лоренс, Л.Гитман, П.Самуэльсон, У.Шарп, Н.Мокееваларнинг тадқиқот фаолиятларида халқаро инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш, унинг шакллари ва молиялаштириш масалаларини ўрганиб чиқишган.

Хусусан, халқаро молия институтлари тушунчасига Н.Н.Мокеева “Халқаро молия институтлари - иқтисодий ўсишни таъминлаш, валюта, молия-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлатлараро келишув асосида тузилган ташкилотлар ҳисобланади”, деб таъриф берганлигини кўришимиз мумкин [1]. Шунингдек, Питер Макколи Осиё тараққиёт банкининг 50 йиллик тарихий фаолиятини аналитик-фундаментал таҳлил асосида унга ўзининг назарий ва илмий хулоса ҳамда қарашларини билдирган. Унда Осиё ва Тинч Океани минтақасидаги мазкур молия институтининг молиявий-иқтисодий фаолияти, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириши ҳамда унинг тарихий эволюциясига эътибор қаратилган [2].

XXI асрнинг етакчи иқтисодчи олими, Нобель мукофоти лауреати, Жаҳон банкининг собиқ бош иқтисодчиси Жозеф Стиглиц ўзининг “Глобаллашув ва унинг зиддиятлари” номли асарида, жалб этилаётган хорижий молия ресурсларини энергия ташувчиларга, яъни қазиб чиқариш, нефть ва бошқа табиий ресурслар тармоқларига йўналтирилиши иқтисодиётнинг ўсишига эмас, балки икки томонлама иқтисодиётни шакллантиришига хизмат қилади дея таъкидлаб ўтган [3].

Шунингдек, америкалик олимлар, Thomas Stubbs ва Alexander Kentikelenis ўзларининг илмий қарашларида “...Халқаро молия институтлари-бу Жаҳон банки ва минтақавий ривожланиш банклари учун биргаликда ишлатиладиган атама бўлиб, олувчи мамлакат томонидан олиб борилаётган қатор сиёсий ислохотлар учун кредитлар, грантлар ва қарзларни тўлаш фаолиятидир” деб таъкидлаб ўтган [4].

Халқаро молия институтлари ёки хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилишда бугунги кунда асосан, иккита муаммо юзага келади:

Биринчидан, инвестиция лойиҳасининг лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун ким тўловни амалга ошириши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чўзилиб кетади;

Иккинчидан, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг сифати пастлиги боис у бир неча марта ХМИ ёки ХХМТ билан келишилган ҳолда қайта ишланади. Буларнинг ҳаммаси инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг кечикишига олиб келади.

Республикамизнинг халқаро иқтисодий муносабатларида, айнан халқаро молия институтлари давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги муаммоларни бартараф этиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, Ҳиндистондаги комплекс ҳудудларнинг аксарияти Ҳукумат ташаббуси билан ташкил этилиб, давлат ихтиёридаги эркин иқтисодий ҳудудлар бўлишига қармасдан уларнинг таркибида фаолият олиб борувчи кичик эркин иқтисодий ҳудудлар нодавлат тузилмаларидир. Уларни тузишда мамлакатдаги йирик корпорация ва компаниялар асосий иштирокчи бўлишган. Кичик эркин иқтисодий ҳудудлар комплекс ҳудудлари билан савдо айланмаси фаолиятини ҳам яхши йўлга қўйганлиги боис хомашё етказиб беришда комплекс ҳудудларининг диллерлик хизматларидан кенг фойдаланишади [5].

Ушбу мақолада тадқиқот мавзусига оид назария ва таълимотларни гуруҳлаштириш, сўровлар ўтказиш услублари, илмий тадқиқот бўйича хулосалар чиқаришда моделлаштириш, статистик таҳлил, тизимли ёндашув, прогнозлаш, умумлаштириш усуллари кенг қўлланилди ҳамда адабиётларнинг қиёсий таҳлили ва фаразани асослаш усулларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Айни кунларда республикамизда чет эл инвестицияларини, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини инвестиция лойиҳалари, авваламбор, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол жалб қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, республикамиз Жаҳон банки гуруҳи, Осиё тараққиёт Банки ва Ислом тараққиёт

банки, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари каби нуфузли халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик даврларида халқаро лойиҳаларни амалга ошириш борасида етарли даражада тажрибага эга бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, Ҳаракаталар стратегияси давлат дастурида келтирилган, “Халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш” вазифаси билан бевосита боғлиқдир.

Хусусан, халқаро молия институлари томонидан тасдиқланган молиявий ресурслари қиймати унинг тўлиқлигича ажратилганлигини билдирмайди. Бунга эса, аъзо-мамлакатлардаги инвестицион муҳит жозибадорлиги тўғридан-тўғри таъсир этади. 2019 йилда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга юз миллион доллар тақдим этди. Лойиҳа доирасидаги тажриба-синов шаҳарлари сифатида Янгийўл (Тошкент вилояти), Когон (Бухоро вилояти) ва Чортоқ (Наманган вилояти) белгиланган. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги президент қарори қабул қилинди. Лойиҳа доирасидаги тажриба-синов шаҳарлари сифатида Янгийўл (Тошкент вилояти), Когон (Бухоро вилояти) ва Чортоқ (Наманган вилояти) белгиланган.

Жорий йилнинг 11 июль куни Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш учун умумий қиймати 500 млн долларлик қарз битимини имзоладилар. Лойиҳа Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан тегишли равишда 276 млн.доллар ва 224 млн. доллар миқдорида молиялаштирилади.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади: унинг ЯИМдаги улуши 28 фоизни, ушбу секторда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг улуши 27 фоизни (3,6 миллион киши), мамлакатнинг умумий экспортидаги улуши эса 10 фоизни ташкил этади. Ушбу соҳа юқори иқтисодий ўсишни намойиш этиб келмоқда ҳамда хусусий сектор ривожланишининг драйверларидан бири ҳисобланади.

Ушбу лойиҳа туфайли Ўзбекистоннинг барча минтақаларидаги фермерлар ва агро корхоналари вакиллари учун замонавий технологиялар, техник маслаҳатлар, ишлаб чиқариш, агрологистика, фитосанитариянинг турли босқичларида қўллаб-қувватлаш хизматларидан, шунингдек, савдо ҳажмини

ошириш учун зарур ахборот манбаларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Натижада, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ўсиши ҳисобига уларнинг ички ва халқаро бозорларда иштироки кенгаяди.

Шунингдек, лойиҳада маҳаллий тижорат банкларининг иштироки туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчилар интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, иссиқхона хужаликларини ташкил этиш ҳамда маҳсулотларни сақлаш, қадоклаш ва қайта ишлаш қувватларини яратиш, шунингдек, энергетик ва сувни тежайдиган технологиялар ва қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олишни назарда тутган ҳолда экспортга йўналтирилган кўшимча қиймат занжирларини кўпайтириш учун улардан фойдаланиш истикболлари билан узоқ муддатли кредит ресурсларини жалб қилиш имкониятига эга бўладилар ҳамда Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтларини модернизация қилиш, амалий тадқиқотларни ўтказиш ва тармоққа илғор ишланмаларни жорий этишга ёрдам беради. Лойиҳа тадбирлари уруғчиликни ривожлантириш, ер ва сув ресурсларини бошқариш, муайян худудларга мўлжалланган агроэкологик иқлимга чидамли технологияларни жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистондаги ўсимликларнинг ноёб генетик материалларини сақлаш масалаларига қаратилган бўлади [6].

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси томонидан 2016-2019-йиллар мобайнида ажратилган молиявий ресурслар қиймати доирасида энергетика, транспорт, давлат бошқаруви ва молия соҳалари етакчилик қилганини кузатишимиз мумкин. Молиявий ёрдамнинг соҳалар доирасидаги кредитларнинг қиймати бўйича қуйи поғоналарда ахборот-коммуникация тизимлари, қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишларида акс этганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу соҳалар доирасидаги ажратмаларда, бир текис ўсиш ёки бир текис камайиш тенденцияси кузатилмади (1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2019 йилда 2016 йилга нисбатан ХТТБ ва ХТА томонидан ажратилган кредитлар ҳажми умумий ҳисобда 2939 млн. долларга камайган бўлса, ХТТБ томонидан ажратилган кредитлар эса 3290 млн. долларга камайган ҳамда ХТА томонидан ажратилган кредитлар 350 млн. долларга кўпайганлигини кузатишимиз мумкин.

1-жадвал

ХТТБ ва ХТА томонидан 2016- 2019- йиллар мобайнида соҳалар доирасида ажратилган кредит ҳажмлари. (млн. АҚШ доллариди)[7]

№	Соҳалар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	Жами	2019 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)
1.	Энергетика соҳасига	151	2 205	1 064	512	3 932	361
2.	Молия соҳасига	1 290	760	818	458	3 326	-832
3.	Транспорт соҳасига	2 168	608	332	93	3 201	-2075
4.	Давлат бошқаруви	1 124	648	761	1 057	3 590	-67
5.	Саноат, савдо ва хизматлар	1 254	133	798	513	2 698	-741
6.	Ижтимоий ҳимоя	411	140	254	215	1 020	-196
7.	Сув ва канализация тизимлари	471	127	63	202	863	-269
8.	Соғлиқни сақлаш тизими	214	202	144	108	668	-106
9.	Қишлоқ хўжалиги	47	358	122	485	1 012	438
10.	Таълим соҳасига	103	120	24	574	821	471
11.	АКТ соҳасига	39	8	129	116	292	77
12.	Умумий	7 271	5 308	4 508	4 332	21 419	-2939
13.	Улардан ХТТБ	7 039	4 569	3 550	3 749	18 907	-3290
14.	Улардан ХТА	233	739	958	583	2 513	350

Ҳозирги кунда Осиё тараққиёт банки қашшоқликни камайитириш ҳамда ривожланаётган, инклюзив, барқарор иқтисодиётга эга Осиё ва Тинч Океани минтақаси мамлакатлари миқдорини кўпайитириш мақсадидаги фаолиятини олиб боради.

Халқаро молия корпорациясининг маслаҳат дастурлари давлат корхоналарини, шу жумладан иккита давлат банкларини хусусийлаштиришда, молия бозорини ривожлантириш ва диверсификация қилишда, соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларида давлат ва хусусий шериклик алоқаларини амалга оширишда ёрдам беради.

Жаҳон иқтисодиётининг ва асосий савдо-ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши 2020 даги кескин пасайишдан сўнг 2021 йилдан аста-секин тикланиши кутилмоқда. Аксарият халқаро молиявий ташкилотларнинг ижобий прогнозларига қарамай, жаҳон иқтисодиёти истиқболлари бирмунча ноаниқлигича қолмоқда ва прогноз кўрсаткичларига эришишда жиддий хатарлар мавжуд.

Жаҳон иқтисодиётининг иқтисодий ўсиш прогнозлари

Худудлар /мамлакатлар	2021 йилда иқтисодий ўсиш прогнозлари			
	ХВЖ	Жаҳон Банки	Осиё тараққиёт банки	Европа тикланиш ва тараққиёт банки
Жаҳон иқтисодиёти	5,2	4,0	-	-
Ривожланган давлатлар	3,9	3,3	-	-
Ривожланаётган давлатлар	6,0	5,0	-	-
Россия	2,8	2,6	-	3,0
Қозоғистон	3,0	2,5	2,8	3,0
Хитой	8,2	7,9	7,7	-
Туркия	5,0	5,0	-	5,0
Корея	2,9	-	3,3	-

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, ривожланган давлатлар иқтисодиётида вакцинанинг кенг тарқатилиши ёрдамида пандемиянинг жиловланиши ҳамда фискал ва пул-кредит сиёсати соҳасида қўллаб-қувватлаш чораларининг амалга оширилиши фонида 2021 йилда ўсиш кўрсаткичлари 3,3-3,9 фоизгача тикланиши прогноз қилинмоқда.

МУҲОКАМА

Ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти 2021 йилда 5-6 фоизга ўсиши кутилаётган бўлса-да, яхшиланиш асосан Хитойда кутилаётган тикланишни акс эттиради. Хитойнинг ўсишини ҳисобга олмаганда, ривожланаётган иқтисодиётларда тикланиш анча мўътадил бўлади ва ўртача 3,5 фоизни ташкил этади, сабаби пандемиянинг истеъмол ва инвестицияларга таъсири давом этмоқда. Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари иқтисодиёти ҳам тикланиб, нисбатан юқори ўсиш суръатлари Хитой ва Туркияда, мос равишда 7,9-8,2 фоиз ва 5 фоизга тенг бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йилнинг сентябрь ойидан буён Ислом Тараққиёт Банкнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди ҳамда шу йили Тошкент шаҳрида ИТБнинг ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон Озарбойжон, Албания, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари қаторида ИТБнинг аъзо-давлатлар гуруҳига киради. ИТБ акционерлари 56 аъзо-давлатдан иборат. ИТБ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган давлатларнинг овоз ҳуқуқи мос равишда уларга тегишли акциялар миқдорига тенгдир. Ўзбекистон

Республикаси 1344 та акцияга эга бўлиб, ИТБ умумий капиталининг 0,03 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ИТБ билан ҳамкорлик Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ислон Тараққиёт банкига аъзолиги тўғрисида”ги 371-қарорига мувофиқ ташкил этилган. ИТБнинг фаолияти ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган давлат лойиҳаларини молиялаштириш стратегиясига асосан олиб борилади. ИТБ билан ҳамкорлик давомида банкнинг ўз ресурслари ҳисобига умумий қиймати 1465,4 млн. АҚШ долларига тенг заём маблағлари 30 та инвестицион лойиҳага жалб қилинди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ИТБ иштирокида жами 1069,4 млн. АҚШ долларига тенг 15 лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, инвестициялар соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хизмат, йўл инфраструктураси ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларига йўналтирилган [9].

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг янги стратегияси билан боғлиқ ҳолда, хусусий секторни ривожлантириш, иқтисодий либераллаштириш, минтақавий ҳамкорлик ва глобал интеграция орқали инклюзив иқтисодий ўсишга интиломоқда.

ХУЛОСА

Юқорида таҳлил этилган маълумотлар асосида қайд этилган фикрларга асосан қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Халқаро молиявий институтлар томонидан ажратилаётган маблағларни ва беғараз ёрдамларини иқтисодиётимизнинг узоқ тармоқларини, хом ашё ресурсларини қайта ишлайдиган соҳаларни, импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарини, инфратузилмани замонавий технологиялар билан таъминлашга жалб қилиш бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиқиш ҳозирги даврнинг долзарб масалалари ҳисобланади. Ушбу соҳаларни ривожлантириш натижасида келтирилган фойдалар ҳисобига миллий иқтисодиётимизда бошқа инфратузилмаларни ривожлантиришга эришилса халқаро молиявий институтлар томонидан берилаётган маблағлардан фойдаланиш самарали бўлади.

Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт уюшмасининг мақсад ва вазифалари айнан қишлоқ хўжалигини имтиёзли маблағлар билан таъминлаш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш бўйича амалга оширилади. Халқаро молиявий ташкилотлар талаблари ва Ўзбекистон

миллий иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги тушунмовчиликлар вужудга келмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини реструктуризациялаш бўйича таклиф қилинган лойиҳада асосий маҳсулотлари турларига давлат буюртмасини олиб ташлашни, коммунал соҳа тизимини хусусийлаштиришни, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташқи иқтисодий фаолиятини либераллаштиришни ва ерни хусусийлаштиришни талаб қилиб қуйган. Лекин бу талабларнинг ҳаммасини ҳам бугунги кунда тўлалигича қабул қилиб бўлмайди.

Иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида халқаро молия институтлари томонидан молиялаштиришни такомиллаштиришда қуйидаги таклиф-тавсиялардан фойдаланиш молиялаштириш сифатини таъминлаш ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади:

биринчидан, миллий иқтисодиёт доирасида ижтимоий, сиёсий, экологик ва ресурс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирларини аниқлаш орқали узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли лойиҳаларнинг иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда уларни шакллантиришда халқаро молия институтлари маблағларидан самарали фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш зарур.

иккинчидан, халқаро молия институтлари томонидан жалб қилинаётган халқаро инвестиция ҳамда кредитларни кўп меҳнат талаб қилинадиган, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этадиган тармоқ ва соҳаларга, хусусан инфратузилма, ахборот технологиялари, транспорт ва алоқа соҳаларидаги халқаро дастурларни молиялаштириш каби йўналишларига жалб этиш лозим.

учинчидан, иқтисодиётимизга глобал инвестиция бозоридан халқаро молия институтларининг молиявий ресурсларни кенг жалб мақсадида Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” рейтингдаги барча йўналишларда Ўзбекистоннинг ўрнини тубдан яхшилаш чораларини кўриб қори даражадаги суверен кредит рейтинги баҳосини олиши, бозор ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида кўриб ўтилган вазифаларни имкон қадар тезроқ ва самарали ўз ечимини топиши, нафақат, халқаро молия институтларининг маблағларининг манбалари қийматини баҳолашда, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини ва аҳолининг фаровон ҳаёт тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Мокеева Н.Н., Казак А.Ю., Веретенникова О.Б. Международные валютно-кредитные отношения: учеб. пособие. - Екатеринбург: Издательство АМБ, 2006. - С. 48.
2. Peter McCawley. Banking on the future of Asia and the Pacific: 50 years of the Asian Development Bank. Asian Development Bank, Manila, 2017. P-340. ISBN 978-92-9257-875-6. DOI: <http://dx.doi.org/10.22617/TCS178907>.
3. Joseph E. Stiglitz. Globalization and Its Discontents, 2002. W.W. Norton & Co., New York - London. 40 p.
4. Stubbs, T., Kentikelenis, A. International financial institutions and human rights: implications for public health. *Public Health Rev* **38**, 27 (2017). <https://doi.org/10.1186/s40985-017-0074-3>
5. Dr. Raj Kumari, Dr. Vandana Mittal, Dr. Hemlata Jain (PhD) (Hindustan College of Science & Technology, Farah, Mathura) (UP) “Special economic zones in india: problems and prospects”. International Journal of Research in Economics and Social Sciences (IMPACT FACTOR – 4.992) p: 5, 4(April, 2015)
6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари.
7. International Bank for Reconstruction and Development. Annual report 2019. [Elektron resurs]. URL: <http://pubdocs.worldbank.org/en/724041569960954210/WBAR19-Lending-Data.pdf>
8. Asian Development Bank. Annual Report 2020. [Elektron resurs]. This Annual Report provides a comprehensive account of the operational and financial results of the Asian Development Bank (ADB) in 2019.xls
9. http://opendata.natlib.uz/files/bank/tara_iet_banki_itb_bilan_hamkorlik.pdf Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги маълумотлар базаси.